

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

МАХКАМОВА ДИЛБАР КАМАЛДЖАНОВНА

**АТЕРОСКЛЕРОЗДА КЎРУВ АЪЗОСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Махкамова Дилбар Камалджановна

Атеросклерозда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни
ташхислаш ва даволашга янги ёндашиш... 3

Махкамова Дилбар Камалджановна

Новые подходы к диагностике и лечению изменений
органа зрения при атеросклерозе..... 31

Makhkamova Dilbar Kamaldjanovna

New approaches to the diagnosis and treatment of changes
in the organ of vision in atherosclerosis..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 62

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

МАХКАМОВА ДИЛБАР КАМАЛДЖАНОВНА

**АТЕРОСКЛЕРОЗДА КЎРУВ АЪЗОСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib363 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Касимова Мунираҳон Садикжановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Иойлева Елена Эдуардовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Икрамов Азизбек Фазилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бузруков Ботир Тулкунович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**«SILOAM EYE HOSPITAL»
Офтальмологик клиникаси (Жанубий
Корея, Сеул)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: info@eyecenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: info@eyecenter.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Ш. М. Дадамухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

М. Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)¹ маълумотларига кўра, атеросклероз (АС) – бу артериал қон томирлари ички қатлами (интима) бутунлигининг бузилиши бўлиб, қон томир девори ўрта қатлами (медиа)даги липидли инфильтрация, пролифератив тўқиманинг ўсиб кириши, фиброз бляшкалар ҳосил бўлиши ҳамда микроэлементлар йиғилиши билан кечувчи ҳолатдир. Бугунги кунда, адабиётлар²га биноан, АС ва унинг асоратлари – юрак ишемик касаллиги, миокард инфаркти, бош мия, қорин бўшлиғи аъзолари ва оёқ-қўлларнинг ишемик касалликлари билан касалланиш, меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик ва ўлимга олиб келувчи сабаблар орасида етакчи бўлиб келмоқда. Бунда АС барча ўлимларнинг тахминан 45-50% ида аниқланса, шундан 30-35% ини ёш ва ўрта ёшдагилар ташкил қилади.

Жаҳонда АС фонидаги кўрув аъзоси қон айланиши бузилишининг келиб чиқиши, кечиши ҳамда кўздаги ўзгаришларни эрта аниқлашга қаратилган қиёсий ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, кўрув аъзоси ишемик касалликларини ташхислаш ва даволашга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар кўз тубидаги ва умуман, кўз олмасидаги атеросклеротик ўзгарган қон томирлар ҳолатини тўлиқ ифода эта олмайди. Ушбу ҳолат эса, АСда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни келиб чиқиши ва кечишини чуқурроқ ўрганиш ҳамда эрта аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган юқори малакали тиббий ёрдам сифатини яхшилаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, қон томир касалликларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 4063-сон Қарорига мувофиқ аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда «...юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавfli омилларининг олдини олиш, даволаш ҳамда назорат қилиш, барвақт ўлим ҳолатлари ва жамият учун касалликлар юқини камайтириш...»³ бўйича муҳим вазифалар белгиланган, юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш борасида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу борада АСда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни эрта ва қиёсий ташхислаш, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида эрта аниқлаш ва бемор ҳаёти учун хавfli асоратлар келиб чиқишини олдини олиш бўйича мезонларни ишлаб чиқиш тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2018

² Г.Е. Ройтберг, А.В. Струтынский. Внутренние болезни. Сердечно-сосудистая система. 2017.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 4063-сон Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ – 5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 – 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ – 4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда тиббиёт соҳасида қабул қилинган бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган долзарб вазифалар ва масалаларни ҳал этишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот иши “Касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш янги технологиялари ва усулларини ишлаб чиқиш орқали аҳоли саломатлигини ҳимоялаш” ППИ-11 “ИЗ -20140910163222 “ Соғлиқни сақлаш амалиётига кўрув нерви касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини татбиқ этиш” республика давлат гранти асосида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Жаҳонда АС ва унинг кўздаги асоратларини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари сўнгги йилларда дунёнинг етакчи илмий марказлари ва тиббиёт муассасалари томонидан амалга оширилмоқда. Бугун АСнинг кўздаги ўзгаришлари дунёнинг кўплаб етакчи тиббий марказлар базасида ўрганилмоқда, жумладан: Янги Зеландия Окленд Университетининг кўз касалликлари Миллий маркази (Янги Зеландия), Сан Рафаэл номидаги илмий институтининг кўз касалликлар бўлими (Италия), Морфилд кўз шифохонаси (Лондон), Къети-Пескарадаги Ж. Д'Аннунцио университети кўз касалликлари бўлими (Италия), Лос-Анджелес Калифорния университетининг Дэвид Геффен тиббиёт мактаби, Доэни кўз касалликлари институти (АҚШ), Тафтс университети тиббиёт факультети, Янги Англия кўз касалликлари маркази (АҚШ), Уиллс кўз шифохонасининг тўр парда касалликлари бўлими (Пенсильвания), Сингапур Миллий кўз касалликлари маркази (Сингапур), Санто Томас номидаги университет шифохонасининг кўз касалликлари бўлими (Филиппин), Гельмгольц номидаги Москва кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти (Россия), акад. С.Н. Федоров номидаги “Кўз микрохирургияси” ФИТК (Россия), ФГБНУ “Кўз касалликлари илмий-тадқиқот институти” ФДБИМ (Россия), С.Д. Асфендияров номидаги ҚозМТУ (Қозғистон), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалардан олинган: www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed; www.who.int; www.cdc.gov/hpv; www.gavialliance.org; www.worldofscience.org; www.scopus.com

маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да ва бошқалар.

Дунёда атеросклероз сабабли келиб чиққан ўзгаришларни ташхислаш ва даволашга бағишланган кўплаб ишлар олиб борилмоқда, жумладан: тўр парда ва кўрув нерви қон томирлар окклюзион касалликлари чуқур ўрганилиб, 90% ҳолларда каротид томирларидаги ўзгаришлар борлиги аниқланган; тажрибаларда қуёнлар тўр пардасининг гангиоз хужайралар қаватида шиш пайдо бўлиши, ички ядроли қаватининг юпқалашиши ҳамда қон айланишининг марказлашиб, тўр парданинг атрофдаги бошқа қаватларида ҳам ишемия келиб чиқиши аниқланган; кўз қон томир касалликларида оптик когерент томография-ангиографияни қўллаш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилиб, бу усулни турли кўз касалликларида ўрни кўрсатиб берилган.

Дунёда кўзнинг қон томир касалликларини ташхислаш хусусиятлари ва даволаш усуллари ўрганиш, асоратлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида қуйидаги устувор йўналишлар бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда: АСда кўз олмаси тўқималарининг морфо-функционал хусусиятларини ўрганиш; артериал гипертензия (АГ)да кўз қон томирлари ҳолатини ўрганиш; кўрув аъзоси қон томир касалликларининг генетик хусусиятларини аниқлаш; кўзнинг қон томир касалликлари билан оғриган беморларни реабилитация қилишнинг самарали усуларини ишлаб чиқиш; кўз қон томир касалликларини олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларининг кўплаб тадқиқотлари инволюцион склероз ва қариликда кўрув йўллари фаолияти ва тузилишининг ўзгаришларини, ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияда генетик омилларни баҳолашга, қон томирли ретинопатияда биомаркерларни ўрганишга, тўр парда қон томир касалликларида тўр парданинг ҳолати ҳамда гангиоз хужайраларнинг шикастланишга жавоб реакцияси хусусиятларини аниқлашга қаратилган (Connor Heather Rosalind Mary, 2013; Adams, Madeleine, 2012; Mcauley Annie, 2014; Fahy Eamonn Thomas, 2016; Jeganathan V. Swetha, 2009). Кўзда қон айланиши бузилишининг ривожланиши бош мия ва юракдаги ўткир қон айланиши бузилиши келиб чиқишини эрта башоратловчи белги, деб юритиляпти (Cheng, C. Y. L. & Wong et al., 2013; Campbell U.B. et al., 2015; Cestari D.M. et al., 2016). Плацебо-бошқарилувчи ва рандомизациялашган клиник тадқиқотларда оптик когерент томография–ангиография усули ёрдамида тўр парда қон айланишининг ўткир бузилиши, ёшга боғлиқ макуляр дегенерация ва АГда кўрув нерви ва тўр парда томирлар тўри капиллярлар зичлигини ўзгариши аниқланган (Coscas F, et al., 2016; Ghasemi Falavarjani K. 2016). Шу билан бирга, касалликнинг дастлабки босқичларида, нишон – аъзолар шикастланмасдан аввал тўр парда ва кўрув нервининг қон томирлар тўри зичлигидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш очиқ масала бўлиб қолмоқда. Муаллифлар тадқиқотларида субклиник АС ва артериал

гипертензияда (АГ) кўз микроциркуляцияси ҳолати (Аджемян Н.А., 2017), тизимли АСда тўр парда ва кўрув нерви ҳолати клиник – экспериментал ўрганилган (Плюхова А.А., 2013), тўр парда венасининг окклюзиясида иммунометаболик ўзгаришлар (Михайлова М.А., 2015), уйқу артерияси атеросклеротик шикастланишларида кўзнинг қон айланиши бузилишларини ташхислаш ва даволаш усуллари ўрганилган (Сашнина А.В. 2005).

Ўзбекистонда тўр парда веналарида қон айланишининг бузилишидаги кўзнинг ҳолати, кўз қон томир касалликларининг келиб чиқиш ва патогенетик хусусиятлари, уларни генетик ташхислаш, қарияларда кечиш хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда (Худайбергенова З.А., Ахмедова Э.П., Мавлянова У.Ф., Аширматова Х.С.), бироқ, АСда кўрув аъзосидаги ўзгаришлар, уларни эрта ва таққослама ташхислаш ва патогенетик даволашга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Республикамизда ҳозирги кунгача эришилган ютуқларга қарамасдан, АСдаги кўз қон айланишининг бузилишини эрта ташхислаш мезонлари мавжуд эмас, мамлакатнинг бирламчи бўғинида, шу жумладан, чекка вилоятларда АС ривожланишини кўздаги белгиларини эрта ва қиёсий ташхислаш усуллари мавжуд эмас. Мазкур усулларнинг мавжуд эмаслиги патогенетик йўналтирилган даволаш чораларини амалга оширишга имкон бермайди. Бундан ташқари, кўп ҳолларда организмнинг ёндош касалликларини инобатга олиб, тўғри ва мувофиқлаштирилган даво чораларини буюриш ҳамда уларни назорат қилишда сезиларли қийинчиликлар мавжуд. Бу жараёнда кўздаги ишемик шикастланишни эрта ва таққослама ташхислаш, даволаш усуллари ҳамда назорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилиши зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Умумий жарроҳлик ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатишда янги технологиялар» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар асосида бажарилган (№02090009).

Тадқиқотнинг мақсади атеросклерозда нейробиохимик маркерлар ва кўрув аъзоси тўқималари паст когерентли нурланиши аксини таҳлилига асосланган ҳолда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни ташхислаш ва даволашга янгича ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атеросклерозда кўрув аъзоси шикастланишининг эрта белгиларини аниқлаш;

атеросклерозда кўрув аъзоси қон томир касалликлари ташхисотини кўз тўқималари паст когерентли нурланиши аксини комплекс таҳлилинини қўллаган ҳолда такомиллаштириш;

кўрув аъзоси гемодинамикасини математик моделлаштиришни ишлаб чиқиш ёрдамида ўрганиш;

атеросклерозда қон ва кўз ёши таркибидаги биокимёвий маркерлар аҳамиятини ўрганиш ва улар орасидаги боғлиқликни аниқлаш;

нейровизуализация усуллари ёрдамида атеросклерозда бош мия ҳолатини баҳолаш ва ангио-ОКТ кўрсаткичларини инобатга олиб, кўриш фаолияти билан боғлиқликни аниқлаш;

атеросклерозда кўрув аъзоси ишемик касалликлари билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш;

атеросклерозда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни патогенетик йўналтирилган даволаш ва олдини олиш усуллариини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика клиник офтальмологик шифохонасида 2012-2019 йилларда АСда кўрув аъзосидаги ўзгаришлар билан даволанган 173 нафар бемор (247 кўз) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида АСда кўрув аъзосидаги ўзгаришлари мавжуд беморларнинг кўриш фаолияти, кўрув аъзоси ва брахиоцефал қон томирлари, юракнинг гемодинамик кўрсаткичлари, ОКТ ва беморлар кўз ёш суюқлиги ҳамда қонидаги нейробиокимёвий маркерларни аниқлаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда умумклиник, клиник, лаборатор, инструментал ва статистик текширув усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ангио-ОКТ мезонлари бўйича кўрув аъзоси томирларининг атеросклеротик шикастланишлари эрта даврида ҳам нейроретинал ишемия ривожланиши аниқланган;

тўр парда ва кўрув нервининг юзаки ва чуқур қатламлари, шунингдек, хориоидея капиллярлари зичлигининг оптик когерент томография-ангиографияда 15% ёки ундан камайиши нейроретинал ишемиянинг енгил даражасида, 45% ёки ундан камайиши ўрта даража ҳамда капиллярлар зичлигининг 75% ва ундан камайиши нейроретинал ишемиянинг оғир даражасида кузатилиши аниқланган;

кўрув аъзоси томирларининг атеросклеротик шикастланишларида кўз ёш суюқлигидаги S100 ишемия маркери даражасининг ишончли даражада ўсиши исботланган ҳамда кўзда клиник-функционал ўзгаришлари бор беморларда бош мия МРТ-трактографиясида кўрув тракти толалари яхлитлигининг бузилиши (юпқалашиш, йиртилиш, узилиш, кам миқдорда аниқланиши ва бошқалар) билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

атеросклеротик ўзгаришларда шикастлар ва клиник белгилар пайдо бўлишидан аввал компьютер периметриясида тўр парда ёруғликка сезувчанлигининг пасайиши кузатилган ва томирлар тўри зичлигининг пасайиши ҳамда кўз доплерографияси кўрсаткичлари ўзгариши билан ишончли тўғри корреляцияси исботланган;

атеросклерозда кўрув аъзоси гемодинамик кўрсаткичлари бузилишини ҳисоблаш учун математик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АСда офталмологик симптомларни эрта ва таққосий ташхислашга ишлаб чиқилган комплекс ёндашув ҳаёт учун хавфли жиддий асоратлар ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш учун эрта ва таққослама ташхислаш имконини берган;

компьютер периметрияси ва ангио-ОКТ кўрсаткичларини ўрганиш натижасида АСда кўрув аъзоси зарарланишининг локализацияси ва оғирлик даражаси аниқланган;

кўз ёши ва қон зардобиди S100 ишемия маркери миқдорини аниқлаш ҳамда МРТ-трактографияда олинган маълумотларга асосланиб, АС билан оғриган беморларни олиб бориш ва олдини олишда табақалаштирилиб ёндашилган;

тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида АСда кўрув аъзоси ўзгаришларини даволашни такомиллаштириш беморлар ҳаёти учун хавфли асоратларни олдини олиш ва тўлиқ реабилитация қилишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланганлик, беморларнинг етарли миқдори, амалга оширилган тадқиқот усулларини асосланганлиги, тадқиқотларни назарий ва амалий даражада ўтказилганлиги, олинган натижаларни сифат ва сон жиҳатдан баҳоланганлиги, олинган маълумотлар таҳлилида замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов берилганлиги, шунингдек, АСда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни эрта ва қиёсий ташхислаш учун ишлаб чиқилган усулларни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг офталмологик амалиётига кенг татбиқ этилганлиги билан изоҳланади. Статистик усуллардан фойдаланиш натижаларининг ишонччилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, АСда кўздаги ўзгаришларни ташхислаш мақсадида ишемия маркери кўрсаткичлари аниқланган, касалликни эрта аниқлаш учун оптик когерент томография-ангиография усулидан фойдаланиб, нейроретинал ишемия мезонлари ишлаб чиқилган, математик моделлаштириш асосида кўзда қон айланиш танқислиги кўрсаткичлари аниқланган, АС ривожланишининг эрта босқичларида ҳамда беморларни назорат қилишда нейровизуализация усулларининг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, АСда кўздаги ўзгаришларни оптик когерент томография-ангиография мезонларига таяниб эрта ва қиёсий ташхислаш, беморларни касаллик ривожланиш босқичидан келиб чиққан ҳолда самарали патогенетик йўналтирилган даволаш ва олинган натижаларга асосланиб, ишлаб чиқилган ташхислаш, даволаш ва назорат қилиш алгоритмининг қўллаш тавсия этилади. Касалликни эрта аниқлаш ва патогенетик йўналтирилган даволаш самарадорлигини ошириш ҳаёт сифатини яхшиланиши, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини пасайиши ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Атеросклерозда кўрув аъзоси ўзгаришларини эрта, қиёсий ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

"Кўрув аъзоси атеросклеротик ишемик касалликларининг бош мия сурункали ишемияси билан симультан кечишини ташхислаш мезонлари" мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-д/99 сон маълумотномаси). Ушбу мезонларни қўллаш орқали АСда кўрув аъзоси ва бош миянинг ишемик касалликлари билан оғриган беморларни ўз вақтида ташхислаш ҳамда тўғри олиб боришга эришилган;

"Кўрув аъзосининг атеросклеротик шикастланишида кўз ва бош мия магистрал қон томирлари гемодинамикасининг бузилиши. Корреляцион таҳлил" мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-д/99 сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома асосида аниқланган корреляция АСда кўрув аъзоси ва бош мия ўзгаришларини ўз вақтида патогенетик йўналтирилган даволашга, бу билан бирга госпитализация ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқаришига имкон берган;

"Кўрув аъзоси қон томирлари атеросклеротик шикастланишини ташхислаш. Далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари" мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-д/99 сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома АСда кўрув аъзоси ишемик касалликларини таққослама ташхислаш натижасида нишон-аъзоларнинг шикастланиши ва бемор ҳаёти учун ҳавфли асоратларнинг олдини олиш имконини берган;

"Кўрув аъзосининг атеросклероз билан кечган ишемик касалликларини комплекс даволаш" мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-д/99 сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома АСда кўрув аъзоси ўзгаришлари бўлган беморларда ноотроп даволаш ўтказилиб, уларда кўриш ўткирлигининг ошиши, кўриш майдонининг кенгайиши, тўр парданинг ёруғликка сезувчанлигини ошишига ва гемодинамика кўрсаткичларининг яхшиланишига имкон берган;

«Кўз ишемик синдроми кечишини олдиндан башоратлаш усули»га (19.09.2018й.даги №ІАР 05676) Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти олинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 8н-д/99 сон маълумотномаси). Мазкур ихтиро ишемик жараён кечишини кўз ва юзаки чакка артериялари гемодинамик кўрсаткичларига асосланган ҳолда баҳолашга имкон берган;

Атеросклерозда кўрув аъзоси ўзгаришларини эрта аниқлаш ва патогенетик даволашга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, хусусан, Андижон, Навоий ва Сирдарё вилоят офталмологик шифохоналари, Республика клиник офталмологик шифохонасининг амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3

августдаги 8н-д/99 сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқот натижалари АСда кўздаги ўзгаришларни эрта ташхислаш, бош миядаги ўзгаришлар билан кечганда уларни патогенетик йўналтирилган даволаш ҳамда нишон-аъзолар шикастланиши ва оғир асоратлар келиб чиқишини олдини олиш усуллари жорий этиш имконини берди. Иқтисодий самара АСда кўздаги ўзгаришларни эрта ташхислаш орқали аҳолининг касалхонада ётиш ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқариши, асоратлар ва ўлим ҳавфини камайтириш орқали таъминланади. Кўрув аъзоси ишемик касалликлари кечишини башоратлаш асосида беморларни олиб бориш самарадорлиги ошади ва асоратларни олдини олишга эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий анжуманларда, 3 та халқаро ва 2 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 14 та мақола, улардан 10 та республика ва 4 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига асосий боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 саҳифа матнда ифодаланган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, илмий ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги келтирилган, изланишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Атерогенезнинг замонавий аспекти. Атеросклерозда кўрув аъзосининг ўзгаришлари**» деб номланган ва шу мавзу юзасидан адабиётлар манбаини кўриб чиқишга бағишланган бўлиб, унда маҳаллий ва ҳорижий адабиётлар асосида АСда кўриш аъзосининг ишемик касалликлари муаммосининг долзарб ҳолати таҳлил қилинган. Касалликнинг келиб чиқиши, кечиш механизми, ҳавф омиллари ҳамда ривожланиш жараёни тўғрисида атрофлича илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунда мавжуд ташхислаш ва даволаш усуллари, олинган натижалар шарҳи, афзалликлари ва камчиликлари кўриб чиқилган. Муҳокама ва кейинги изланишларга туртки бўлувчи мавзуга оид мунозарали масалалар кўриб чиқилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби «Тадқиқотнинг материали ва усуллари»да ўтказилган тадқиқотнинг объекти, предмети ҳавола этилган бўлиб, ўрганилган патологиянинг мултикомпонентли хусусиятини инобатга олган ҳолда, тадқиқот дизайни нафақат офталмологик, балки лаборатор-биокимёвий, инструментал, нейровизуализация тадқиқот усуллари кўрсаткичларининг статистик таҳлил қилиш натижаларини консолидациясига асосланган.

Ушбу тадқиқотда кўрув аъзосида ўзгаришлари бор ҳамда умумий (тизимли) АС ташҳиси қўйилган 173 бемор (247 кўз) бирламчи текширувдан ўтказилган. Беморларни тадқиқотга киритиш мезони бўлиб АСда кўрув аъзосида ўзгаришлари бор беморлар бўлди.

1-Жадвал

Беморларни ёши, жинси ва атеросклероз кечиши бўйича гуруҳларга тақсимланиши

№	Беморлар гуруҳи		Беморлар сони				Жами (n=173)	
			Э (n=105)		А (n=68)		абс	%
	Асосий гуруҳлар		абс	%	абс	%		
1		Асосий гуруҳлар	1 гуруҳ	41	23,7	26	15,02	67
	2 гуруҳ		64	36,9	42	24,27	106	61,27
2	Жами		105	60,7	68	39,3	173	100
3	<i>Назорат гуруҳи</i>		<i>10</i>	<i>50</i>	<i>10</i>	<i>50</i>	<i>20</i>	<i>100</i>

ЖССТ ва Бутунроссия кардиология илмий жамияти (БКИЖ) мутахассислари тавсиялари асосида беморларга АС ташҳиси қўйилди, бунда: липидлар таркибининг патологик силжиши (умумий холестерин, триглицеридлар, липопротеидлар), тана вазни индекси, чекиш индекси, бел ва сон айланаси БА/СА нисбати, шунингдек, нишон-аъзолар томирларининг атеросклеротик ўзгаришлари эътиборга олинди.

Олинган натижалар таҳлил қилинганда, АСда кўрув аъзоси томирларининг атеросклеротик ўзгаришлари булган беморлар орасида эркаклар сонини аёллар сонидан (эркаклар – 105 (60,7%), аёллар – 68 (39,3%) ($P < 0,01$) 1-жадвал) кўплиги аниқланди, ёш контингенти эса ЖССТ мезонлари бўйича ўрта $61 \pm 4,51$ ёшни ташкил қилди. Беморларни кузатиш муддати 2-7 йилни ташкил қилди. Беморлар АС жараённинг кечишига қараб шартли равишда 2 гуруҳга – 1 ва 2 гуруҳларга бўлинган: изланишнинг 1 гуруҳига АСда кўрув аъзоси томирларида бошланғич ўзгаришлари бўлган 67 (38,72%) бемор, 2 гуруҳга эса АСнинг нафақат кўрув аъзоси томирлари, балки бош мия ва юракда ҳам клиник – функционал ўзгаришлари бор 106 (61,27%) бемор киритилди. Беморларни ёши бўйича тақсимланишини (2-жадвал) таҳлилида ўрта ёшдаги эркакларда ҳамда катта ёшдаги аёлларда кўпроқ учраганини кўриш мумкин. Аммо шуни таъкидлаш керакки, ёш эркакларда ҳам ушбу патологик жараён мавжуд эди.

**Атеросклеротик жараённинг кечишига ва ёшга⁵
нисбатан беморларнинг тақсимланиши**

Беморлар гурухи	25-44 ёш		44-60 ёш		61-75 ёш		76-90 ёш		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
1 гуруҳ	44	25,4	23	13,3	0	0	0	0	67	38,7
2 гуруҳ	3	1,7	19	10,9	61	35,2	23	13,3	106	61,3
Жами	47	27,1	42	24,3	61	35,2	23	13,3	173	100

Кўрув азсоси функционал ҳолатини ўрганиш мақсадида қуйидаги текширувлардан фойдаланилди: ташқи кўрик, биомикроскопия, тўғри офтальмоскопия, кўриш ўткирлигини текшириш, периметрия, тонометрия, компьютер периметрияси, оптик когерент томография (ОКТ) ва ОКТ-ангиографияси (ОКТА), чақирилган кўрув потенциаллари ва электроретинография (ЧКП ва ЭРГ). Шу билан бирга, кўрсатмалар асосида кўз, каротид ва бош мия томирлари доплерографияси, магнит-резонанс томография (МРТ), МРТ-трактографияси, мултиспирал компьютер томография (МСКТ), МСКТ ангиографияси, эхокардиография (ЭхоКГ) ва лаборатор текширувлар амалга оширилди. Олинган маълумотлар Microsoft Excel 2016 дастури ёрдамида қайта ишланиб, ўртача арифметик (M), ўртача оғиш (σ), стандарт хато (m) ҳамда фарқлар эҳтимоли - p аниқланди, $p < 0.05$ ишончилилик даражаси статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Параметрлар ўртасидаги корреляция (ўзаро боғлиқлик) таҳлили Пирсон усули ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Атеросклерозда кўрув азсоси томирларида қон айланиши бузилишининг клиник кўринишлари тавсифи”да тақдим этилган маълумотлар таҳлили асосида кўрув азсосида АС туфайли ишемия ривожланишини аниқлашга имкон берди. Бунда, 1 гуруҳ беморларида касаллик кўриш фаолиятига субъектив шикоятларсиз ва симптомсиз кечгани аниқланди. Бироқ, синчковлик билан ўтказилган сўраб-суриштириш натижасида беморлар қуйидаги ҳолатларни таъкидлаганлар (аммо уларга алоҳида эътибор берилмаган): тўйиб овқатланишдан сўнг кўриш фаолиятининг қисқа муддатга бузилиши (кўришнинг постпрандиал бузилиши) – 3 (4,76%) беморда, тиниқ ёруғликда бир кўз кўриш фаолиятининг бузилиши – 2 (3,17%), ҳаддан ташқари жисмоний зўриқишдан кейинги бир кўзнинг ўтиб кетувчи кўрлиги – 5 (7,9%) беморда кузатилди. Шунингдек, олинган натижалар таҳлили ушбу гуруҳ беморларида кўз

⁵ ЖССТ тавсифига биноан (2013й.), ёш бўйича тақсимлаш қуйидагича амалга оширилди: 25-44 ёшгача “ёшлар”, 44-60 ёшгача “ўрта ёшдагилар”, 60-75 ёшгача “қатта ёшдагилар”, 75-90 ёшгача “қариялар” ва 90 ёшдан кейин “узок умр кўрувчилар” деб юритилди.

олдидаги ўтиб кетувчи туман – 12 (19.04%) беморда, кўзда қуруқлик хисси ва дискомфорт 17 (26,9%) беморда мавжудлигини кўрсатди (1-расм).




1-расм. Кўриш фаолиятига шикоятлари асосида беморларни тақсимланиши

2 гуруҳ беморлар маълумотларини ўрганишда кўриш фаолияти томонидан қуйидаги шикоятлар кузатилган: кўриш қобилиятининг пасайиши – 62%, кўриш майдони пастки қисмини йўқолиши – 23%, юқори қисмини йўқолиши – 37%, кўз олдида сузувчи доғлар – 54%, кўздаги оғриқлар – 17%, кўз олдида туман – 67%, кўзда қуруқлик хисси ва дискомфорт – 89%. Анамнез ҳамда катанезни синчковлик билан ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди: бир кўзда қисқа муддатли кўриш қобилиятининг йўқолиши – 4 беморда, жисмоний зўриқишдан кейин кўришнинг бузилиши – 9, кўп овқатланишдан кейинги кўриш пасайиши – 12 беморда кузатилди (1-расм).

АС жараённинг симптомларсиз кечишида (1 гуруҳ) беморлар анамнезида АГ ва гипертоник касаллик ташхиси қўйилмаган бўлиб, лекин доимий бўлмаган/спорадик тарздаги қон босимининг 140/90 мм сим. уст.гача кўтарилиши кузатилган, бу ҳолатни бемор стресс билан боғлаган. 2 гуруҳдаги беморларда АГнинг I даражаси 11%, II - 41% ва III - 38% ҳолларда, бош мия сурункали ишемияси (БМСИ) 67%, юрак сурункали етишмовчилиги (ЮСЕ) 71% беморларда кузатилган. 2-расмда ушбу тадқиқотга киритилган беморларда АС келиб чиқишидаги туртки омиллар келтирилган.

Кўриш ўткирлиги текширилганда, 1 гуруҳдаги беморларда кўриш ўткирлиги юқори бўлиб, $0,87 \pm 0,02$ ни ташкил қилди. Бироқ, ушбу гуруҳдагиларда периферик кўриш майдонидаги ўзгаришлар – кўриш майдонининг (оқ, қизил ва яшил рангларга) торайиши кузатилиб, КМЖЧ ўртача $505^\circ \pm 5^\circ$, $195^\circ \pm 5^\circ$, $130^\circ \pm 5^\circ$ (оқ, қизил ва яшил рангларга, мос равишда) бўлди, манфий скотомалар ва кўр доғнинг кенгайиши кузатилди. Шу билан бирга, ушбу беморларда қорачиқ реакциясининг сустлашиши ҳам кузатилди.



2-расм. Беморларда атеросклероз келиб чиқишига туртки бўлган омиллар.

3-Жадвал


Тадқиқотга киритилган беморларнинг кўриш ўткирлиги

Кўриш ўткирлиги	1 гуруҳ (n=67)	2 гуруҳ (n=106)
0,8 – 1,0	63%	4%
0,6 - 0,75	37%	14%
0,55 - 0,2		19%
0,08 - 0,15	-	30%
0,02 - 0,07	-	24%
0 - 0,01	-	9%
Жами	100%	100%

2 гуруҳ беморларида кўриш ўткирлиги турлича бўлиб, 0,8 дан 1,0 гача –4%, 0,6 дан 0,75 гача –14%, 0,55 дан 0,2 гача - 19%, 0,08 дан 0,15гача - 30%, 0,02 дан 0,07 гача - 24% ва 0 дан 0,01 гача - 9% беморларда кузатилди (3-жадвал).


Кўз ички босими (КИБ) 1 гуруҳ беморларида текширилганда, кўрсаткичлар меъёрда эканлиги аниқланди ва 16 ± 2 мм сим.уст ташкил этди. Биомикроскопияда лимб томирлари нисбатининг ўзгариши 12% беморда, калибрнинг нотекислиги 33%, лимб томирлари спазми 29% беморда кузатилди. Кўз тубини тўғри офтальмоскопия усулида текшириш натижасида тўр парда ва кўрув нерви томирларининг транзитор вазомотор ўзгаришлари аниқланди. Бунда, офтальмоскопия натижасида ушбу гуруҳнинг барча беморларида ўтиб кетувчи ангиопатия – артерияларнинг нотекис калибри,

томирлар нисбатининг бузилиши 19%, артериал томирларнинг спазми 36% беморда кузатилди.



3-расм. Биомикроскопияда кўз олмаси олдинги сегментидаги ўзгаришлар.

2 гуруҳ беморларида КИБ 17 ± 2 мм сим.уст. ($p < 0,05$) ташкил қилди. Бунда, 12% беморда кўз тубида глаукомага хос ўзгаришлар кузатилиб, КИБ тўғри танланган гипотензив даво чоралари сабабли меъёрда бўлди. Ушбу гуруҳ беморлари биомикроскопия усули ёрдамида текширилганда, 3-расмда келтирилган ўзгаришлар аниқланди. Офтальмоскопияда (4-расм) касалликнинг клиник кечишига мувофиқ ўзгаришлар кузатилди. Булар – кўрув нерви дискининг оқишлиги, чегараларининг ноаниқлиги, айрим беморларда умуман аниқланмаслиги, дискининг шишасимон танага проминенцияси, дискдан ўтувчи қон томирлар сонининг камайиши 7 ± 1 ($p < 0,05$) аниқланди. Мазкур ўзгаришлар 40 та кўз (16,2%) да кузатилди ва «Олдинги ишемик нейропатия» ташхиси қўйилди. Бундан ташқари, 37 кўзда (15%) «Тўр парда марказий артерияси окклюзияси», 24 кўзда (3%) «Тўр парда марказий венаси нотўлиқ тромбози», 17 кўзда (7%) «Тўр парда марказий венаси ишемик тромбози», «Сурункали ишемик нейропатия» - 61 кўзда (24,7%), «Ёшга боғлиқ макула дистрофияси» 14 кўзда (5,6%) ташхисланди. Шунини таъкидлаш керакки, ўткир қон айланиши бузилиши ривожлангандан қисқа муддат ўтгач, кўрув нерви атрофияси ривожланди (41,2%) (5-расм). Шундай қилиб, кўриш ўткирлиги пасайишининг сезиларли ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб, ушбу кўрсаткич АСда кўздаги ўзгаришларни эрта ва қиёсий ташхислаш учун мезон бўла олмаслиги қайд этилди.



4-расм. Кўз олмаси олдинги қисми. III даражали лимб ангиопатияси, рангдор парда рельефининг силлиқланиши кузатилди.

Кўз туби фоторўйхатланиши. Кўрув нерви атрофияси ва тўр парда дистрофияси аниқланди.






Рис. 5. Атеросклерозда кўздаги ўзгаришларнинг клиник кўринишлари

Бунинг акси бўлиб, кўриш майдонларининг ўзгаришлари информатив бўлиб, АСнинг бошланғич даврларида ҳам, кўриш кескинлиги хали ўзгармаган холларда ҳам, кўриш майдонининг бузилишлари аниқланди. Шунга ўхшаш ўзгаришлар 2 гуруҳ беморларида ҳам учради, бунда ОИН ва ТПМА шохи окклюзиясида кўриш ўткирлиги юқориликча сақланган

ҳолатда, периферик кўриш майдонида тегишли патологик ўзгаришлар кузатилган.



6-расм. 1 гуруҳ бемори кўриш майдонининг компьютерли периметрияси. Тўр парда ёруғликка сезувчанлигининг юқори сегментда пасайиши кузатилляпти. Кўриш ўткирлиги 1,0. (бемор Я.И. кас. тар.7123)




7-расм. 2 гуруҳ бемори кўриш майдонининг компьютерли периметрияси. Тўр парда ёруғликка сезувчанлигининг кескин пасайиши кузатилган. Кўриш ўткирлиги 0,08 к/б. (бемор Б.К. кас.тар. 6917)

Тўр парда ёруғликка сезувчанлигини (ТПЁС) текширишда назорат гуруҳидаги кишиларда ТПЁС меъёр чегараларида бўлиб, MD – $-1,71 \pm 0,11 \text{ dB}$, PSD $1,31 \pm 0,09 \text{ dB}$ ($p \leq 0,05$)ни ташкил қилди. 1 гуруҳ беморларида диққатга сазовор ўзгаришлар аниқланди. Шундай қилиб, ТПЁСнинг 30° дастури


бўйича марказий соҳада -10% га, 60° дастури бўйича периферик соҳада - 17% га меъёридан пасайиши аниқланди, бу эса, ўз вақтида АСнинг ҳаттоки бошланғич даврида ҳам гемокркуляция сусайишини кўрсатади (6-расм). Ушбу гуруҳда кўр доғ чегераларининг ўртача 12%га кенгайиши кузатилди. Тўр парда ёруғликка сезувчанлигининг кўрсаткичлари ўртача MD – -2,93±0,14dB, PSD -3,51±0,192 dB ($p \leq 0,05$) ташкил қилди ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг кўриш ўткирлиги пасайиши билан ишончли тўғри корреляцияси аниқланди $r \approx 0,52$. 2 гуруҳ беморларида эса тўр парда ёруғликка сезувчанлиги ўртача MD – -17.05 ± 1.02 dB, PSD - 8.91 ± 0.49 dB ($p < 0,05$) ни ташкил этиб, кўриш ўткирлигининг пасайиши ва кўриш майдонининг ўзгаришлари билан ишончли тўғри корреляцияси кузатилди $r \approx 0,51$ (7-расм). Дикқатга сазовор факт бўлиб, ушбу контингентдаги беморларнинг жуфт кўзида кўриш ўткирлиги юқори бўлганда ТПЭСнинг пасайиши ҳисобланади. Мазкур ўзгаришлар жуфт соғлом кўзда ҳам патологик жараён бошланишидан хабар беручи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин ҳамда АСнинг клиник кечишида асимметриклик кузатилишини кўрсатади.

ОКТА текшируви натижалари кўз тубидаги қон томирларлар тўри зичлигининг бир-биридан фарқли ўзгаришларини кўрсатди. Назорат гуруҳидаги кишиларда тўр парда, кўрув нерви ҳамда хориокапиллярларнинг юзаки ҳамда чуқур қатламларидаги қон томирлар тўри зичлиги кўрсаткичлари 47,81±2,17 ($p < 0,05$) бўлди. Бунда, парамакуляр соҳанинг юзаки қаватлари гипоперфузия қисми ва аваскуляр майдони 1,07±0,014 мм² ($p < 0,05$)ни ташкил қилди. 1 гуруҳ беморларда ОКТА ўтказилганда томирлар тўрининг юзаки қатлами капиллярлар зичлигининг 23% га камайиши кузатилиб, 45,21 ± 2,62% ($p < 0,05$)ни ташкил этди, томирлар тўрининг чуқур қатламида эса бу кўрсаткич 29%га камайиб, 45,89 ± 2,71% ($p < 0,05$) қайд этилди. Макуляр соҳада тўр парданинг гипоперфузия майдони 2,57 ± 0,14 мм² ($p < 0,05$)ни ташкил қилди. Кўрув нерви диски соҳасидаги гипоперфузия майдони юзаки қатламларда 7 кўзда, чуқур қатламларда 4 кўзда кузатилди (8-расм). 2 гуруҳ беморларда ОКТА натижалари шуни кўрсатдики, тўр парда томирлар плексуси капиллярлар зичлигинининг ҳам юзаки, ҳам чуқур қаватларда кескин камайиши (58%) аниқланди ва бу кўрсаткичлар 33.91 ± 3.01% ($p < 0.05$); 33.65 ± 2.89% ($p < 0.05$)ни ташкил қилди. Макула соҳасидаги тўр парданинг перфузиясиз майдони 4,19 ± 0,21 мм² ($p < 0,05$) (9-расм) ни ташкил қилди. Кўрув нерви соҳасида эса перфузиясиз майдонлар ҳам юзаки, ҳам чуқур қаватларда кузатилиб, 4 кўзда қайд этилди.

Кўриш фаолияти юқори бўлишига қарамай, тўр парда ва кўрув нерви дискининг ҳам чуқур, ҳам юзаки қаватларида томирлар плексуси зичлигининг камайиши аниқланди. Бунда, АС жараённинг дастлабки босқичларида, нишон-аъзолар шикастланишидан аввал ҳам тўр парда ва КНД капиллярлар зичлигининг пасайиши юзаки ва чуқур қаватларида, плексуснинг барча соҳаларида гипоперфузия майдонлари қайд этилди. Шуниси эътиборга



8-расм. 1 гуруҳ беморида оптик когерент томография-ангиография Фовеа соҳаси юзаки (чапда) ва чуқур (ўнгда) томирлар тўрининг гипоперфузияси аниқланади (сканлаш майдони 3×3 мм).



9-расм. 2 гуруҳ беморида оптик когерент томография-ангиография Фовеа соҳаси юзаки (чап-юқорида) ва чуқур (ўнг-юқорида) томирлар тўрининг кескин гипоперфузияси, кўрув нерви соҳаси юзаки (чап-қуйида) ва чуқур (ўнг-қуйида) томирлар тўрининг кескин гипоперфузияси кузатилади (сканлаш майдони 3×3 мм).

лойикки, клиник белгилари бўлмаган АСнинг ривожланиш босқичларида ҳам томирлар плексуси зичлигининг пасайиши, перфузиянинг сусайиши нафақат катта калибрдаги томирлар соҳасида, балки макула соҳасида ҳам кузатилди. Бу эса АС ривожланишининг дастлабки босқичларида ҳам трофиканинг сусайиши ва макуляр соҳанинг патологик жараёнга жалб бўлишини намоён қилди. АСнинг янада ривожланиши ва жараённинг чуқурлашиши ҳамда нишон-аъзоларнинг шикастланишида тўр парда капиллярлар зичлигининг камайиши, макуляр соҳада перфузиясиз майдоннинг кенгайиши кузатилди. Шу билан бирга КНДда ҳам ушбу перфузиясиз майдонлар ҳам юзаки, ҳам чуқур қаватларда қайд этилди. Ушбу фактнинг эътиборга лойиқ томони шундаки, мазкур кўрсаткичлар нафақат кўрув аъзоси, балки нишон – аъзоларида ҳам ўткир ва сурункали қон айланиш бузилишининг предиктори бўлиб хизмат қилиши мумкин, бу эса беморнинг хаёти учун хавфли асоратларни олдини олишга ёрдам беради.

ОКТ кўрсаткичлари кўриш ўткирлигининг пасайиши, периферик кўриш майдонининг торайиши, тўр парда ёруғлик сезувчанлигининг пасайиши, кўз, бош мия ва брахиоцефал томирларда қон айланишининг бузилиши, коллатерал қон айланишининг сусайиши билан тўғридан-тўғри ўзаро боғлиқлиги ($r \approx 0.71$) аниқланди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ОКТ кўрсаткичларини ўрганиш АСнинг эрта босқичларида ҳам, таққослама ташхислашда ҳам қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Кўз олмаси ишемик жараёнини эрта аниқлаш мақсадида кўрув аъзоси тўқималарида қон айланишини баҳолаш учун кўзда қон айланишини ҳисоблашнинг математик модели ишлаб чиқилди:

$$K.A. \text{ қ.а.} = (C.AД - BГД / 1 / 3Д.Д. (C.Д.-Д.Д.)) / (1 / 3Д.Д. (C.Д.-Д.Д.))$$


$$ПД = C. АД - BГД / C.C.$$

$$C.C. = 1 / 3Д.Д. (C.Д.-Д.Д.) - 80 (C.AД - C.BД) / C.B$$

бу ерда, ПД - перфузия босими; C.C. - қон томирлар қаршилиги; C. АД - ўртача артериал босим; C.BД - ўртача веноз босим; C.B. - юрак фаолияти; BГД - кўз ичи босими; Д.Д. - диастолик босим; C.Д. - систолик босим. Меъёрий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун офталмологик ва соматик патологияларсиз 20 та кўз назорат гуруҳи сифатида текширилди ва $\approx 36-40$ меъёр деб топилди. 1-гуруҳдаги беморларда натижалар $34,82 \pm 1,09$ ни ташкил этди, бу эса кўрув анализатори тўқималарида ишемик жараён бошланганини кўрсатди, 2-гуруҳдаги беморларда эса $29 \pm 1,32$ бўлиб, кўрсаткичлар кўз олмасининг тўқималарида ишемия жараёнининг чуқурлашганини кўрсатиб, ўзгаришларнинг доплерография параметрлари билан корреляцияси қайд этилди. Юқоридагиларни умумлаштириб айтганда, эрта ва қиёсий ташхис қўйиш учун кўз олмасининг қон айланишини ҳисоблаш, шунингдек, ишемик жараённинг чуқурлигини аниқлаш замонавий офталмологиянинг муҳим йўналиши бўлиб, бу ишемик патологияси бўлган беморларни адекват бошқариш имкониятини беради. Келажакда ушбу математик моделни ангио-ОСТ индикаторларини қўшган ҳолда такомиллаштириш касалликнинг дастлабки босқичларида дегенератив

жараёнлар ривожланиши ва кўриш фаолияти кескин пасайишидан аввал ишемик жараённи аниқлаш ва башорат қилишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби “**Кўрув аъзоси қон томирларининг атеросклеротик ўзгаришларида нейровизуализация ва лаборатор усуллариининг ташхисий хусусиятлари**” деб номланиб, МРТ, МРТ-трактография, МСКТ, ЭхоКГ, ЧКП ва ЭРГ ҳамда ишемия маркери S100 кўрсаткичлари ҳақида сўз юритилган. Қон томирлар АС ўзгаришлари бор беморларда ЭхоКГ ўтказилганда миокард маҳалий қисқарувчанлиги ёмонлашиши 7 беморда аниқланди, бу эса стенокардия хуружлари ва юрак ишемик касаллиги туфайли узоқ муддатли миокард ишемияси мавжудлиги ҳақида далолат беради. Чап қоринча глобал қисқарувчанлиги бузилиши 4 беморда аниқланиб, бу эса коронар артериялар устундаги стеноз туфайли келиб чиққанлиги аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, юрак – қон томир тизимининг юқоридаги бузилишлари кўрув аъзоси ишемик касалликлари билан бирга кечган. Шундай қилиб, миокард маҳалий қисқарувчанлигининг бузилишида кўриш ўткирлигининг пасайиши, периферик кўриш майдонининг қисқариши, скотомалар ва тўр парда ёруғликка сезувчанлигининг пасайиши кузатилди.



10-расм. Магнит-резонанс томография-трактографияси.

Энса катта қисқичлари толаларининг юпқалашиши (чапда) ва кўрув тўплами медиал толаларининг қисман кўриниши (ўнгда) кузатиляпти.

2 гуруҳнинг 15 беморига МРТ-трактография текшируви ўтказилганда қуйидаги ўзгаришлар кузатилди: энса катта қисқичлари толаларининг юпқалашиши (10-расм, чапда) – 3 беморда, кўрув нурланиши ўнг тўпламига бирикиш жойида юқори қатор толаларининг қисман йиртилиши – 4 беморда, кўрув тўплами медиал толаларининг қисман кўриниши (10-расм, ўнгда) – 4, уларнинг узилиши -2, ўнг кўрув тўплами латерал толаларининг юпқалашиши – 4, уларнинг кам миқдорда аниқланиши – 4 беморда қайд этилди. МСКТ текшируви натижасида 3 беморда ўнг уйқу артериясида қон оқими йуқлиги,

4 беморда ўнг уйқу артериясида кинкинг кўринишидаги деформация, 2 беморда коилинг ва 2 беморда томирлар девори диссекцияси қайд этилди. Таъкидлаш керакки, ушбу беморларда уйқу артериялар доплерографиясида худди шундай ўзгаришлар кузатилган эди.

Тадқиқот натижаларига кўра, кўз ёш суюқлиги ва қон зардобиди ишемия маркери S -100 ни аниқлашда 5-жадвалда келтирилган маълумотлар олинди.

4-Жадвал

Тадқиқот ўтказилаётган гуруҳларда ишемия маркерининг кўрсаткичлари

Тадқиқот кўрсаткичлари	1 гуруҳ	2 гуруҳ	Назорат гуруҳи
S-100 кўз ёш суюқлигида мкг/л	0.134±0.003*	5.871±0.027*	0.0914±0.0012
S-100 қон зардобиди мкг/л	0.083±0.001*	0.232±0.0042*	0.0712±0.0021

* P < 0,005.

